# ХАРИДОРГА МАНЗУР БЎЛСИН

## КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ СИФАТИ—ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

**«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ, РЕСПУБЛИКА РАДИОСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ РЕЙД-ТЕКШИРУВИ**

Бугунги харидорнинг эҳтиёжидан кўра талаби юксакроқ. Уни кўриб, бирини танлайди. Ёқтирса олади, ёқтирмаса фикрини айтса-айтмаса савдо хонасини тарк этади. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга, сифатини ҳам ошириш масалаларига катта эътибор бергани бежиз эмас. Истеъмол буюмлари қанчалик кўп бўлса, сифати яхшиланиб борса, экономикамиз тараққиётининг кўрсаткичлари салмоғи шунчалик ортиб бораверади. Кундалик ҳаётда зарур бўладиган буюмлар, уй-рўзғор ашёлари, кийим-кечаклар қанчалик мўл ишлаб чиқарилса, улар кўркам ва пишиқ-пухта бўлса, харидорнинг кайфияти шунчалик чоғ, турмушимиз файзли бўлаверади.

Рейд-текширувимиз давомида шунга иқрор бўлдикки, республикамизда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришда кун сайин жиддий силжишларга эришилмоқда. Ўн биринчи беш йиллигимизнинг шу йили ўтган даври мобайнидаёқ юзга яқин корхона халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга жалб этилди. Буни катта сафарбарликнинг дастлабки нишонаси деб ҳисоблаймиз. Республикамизнинг барча областларида калава, ип газлама, мебель, турли идишлар, кийим-кечаклар, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ё бўлмаса катта цехлар ва филиаллар ишлай бошлади. Андижонда совға буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Чирчиқда шиша синиқларидан кўркам буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аҳолига кўплаб буюмлар етказиб бераётган Қўқондаги «Большевик» заводи, «Узбектекстильмаш» бирлашмаси, Тошкент лак-бўёқ заводи коллективларининг ғайрат-шижоати қувонч бахш этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Республикада кейинги ўн ой мобайнида планга қўшимча ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли буюмлари 158 миллион сўмликдан ортиқ бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Саноатимиз тараққиётида катта ўзгаришлар рўй берди. Шулардан бири маҳсулот турларини мунтазам равишда янгилаб бориш ва сифатини яхшилаш учун кураш ҳаракати тобора кўпчилик новатор ишчилар ва мутахассисларнинг диққат-эътиборида турганлигидир. Бунга биргина мисолни кўрсатиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда республикада 1 минг 758 хил кенг истеъмол буюмлари давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Кейинги ўн ойнинг ўзидагина 908 маҳсулотга фахрли беш қиррали белги қўйиб чиқариляпти.

Республика партия ва ҳукумати кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширмоқда. Бунинг учун кейинги вақтда енгил саноатимизнинг тўрт илғор корхонаси коллективи бошлаган ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Шу ташаббускорлардан бири — Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимизда жами маҳсулотнинг 63 проценти давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Аёллар, эркаклар ҳамда болаларбоп замонавий пальтолар давлат Сифат белгиси билан тайёрлаб чиқарилаётганлиги алоҳида таҳсинга сазовор. Республика пойтахти чеварлари ҳар йили бундай кийим-кечаклар моделларининг қарийб учдан икки қисмини янгилаб бориш мажбуриятини олганликларини табриклаш керак, албатта.

Баъзи бир корхоналар бугунги кун талаблари даражасида ишламаётганликларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Хоразм областида тўққиз ой ичида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Буни рақамлар тили билан таъкидлаш керак бўлса, шу ойлар ичида планда кўзда тутилганидан 17 миллион сўмлик кам кенг истеъмол буюмлари тайёрланганлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Самарқанддаги холодильник, Тошкентдаги «Подъёмник» заводлари, Шўрчи ун комбинати, Нукус мебель фабрикаси, Хива гилам комбинати, Олмалиқ рўзғор химияси заводи каби корхоналар халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида қолоқликка йўл қўймоқдалар.

Шу ўринда Термиз тикувчилик фабрикаси фаолиятига бир назар ташлаб ўтишни лозим кўрамиз. Давлат стандарти бошқармаси мутахассисларининг текширишлари давомида шу нарса аниқландики, ўртоқ А. Қулматов директорлик қилаётган бу корхонада ишлаб чиқарилаётган аёллар кўйлакларининг ярмидан кўпи амалдаги техникавий талаблар даражасига жавоб бермайди. Айрим кўйлакларнинг енги узун бўлса, баъзиларининг енги қисқа, баъзи кўйлакларнинг бичиқлари ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Термизликлар тикиб чиқараётган халатларнинг 90 проценти стандарт талабларига жавоб бермади. Бунга асосий сабаб технология жараёнлари устидан қатъий назорат ўрнатилмаганлиги, хом ашёдан фойдаланишдаги чатоқликлардир. Рейд-текширув давомида Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг бу корхонаси ҳисобидан 5794 сўм чегириб ташланганн аниқланди. Фойданинг 6665 сўми давлат бюджетига ўтказилди.

Зуҳур Самиғжонов директорлик қилаётган Тошкент кўн-мўйна заводидаги аҳвол ҳам кўнгилни тўлдирмади. Қоракўл теридан тайёрланган аёллар пальтолари, камзул ва телпакларга талаб катта бўлишига қарамасдан, корхона бундай маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш юзасидан масъулиятни тўла ҳис қилмаяпти. Шу йилнинг июнь ойида ўтказилган текширишда маълум бўлишича, 821 та аёллар пальтосидан 210 тасининг техникавий талаблар даражасида эмаслиги алоҳида қайд қилинди. Пальтога ишлатилган кўн маҳсулотлари ёрилиб кетган, чоклар яхши тикилмаган, тугмалари мўлжалланган нуқталарга мос эмас. Коллектив аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чорасини кўриши керак эди. Бироқ, кейинги текширишда ҳам аҳвол ўзгармаганлигини бугун алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Техника назорати бўлими қабул қилиб олган 35 та пальтони текширишдан ўтказганимизда улардан 5 таси техникавий талаблар даражасида эмаслиги аниқланди. Давлат стандартлари бўйича корхона мутахассиси Гулчеҳра Собитова ана шу фактлар олдида бирон нима деб ўзини оқлашга сўз тополмаганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу корхона сифатсиз маҳсулотларни савдога чиқарганлиги учун 9,9 минг сўм чегириб ташланди. Кўрилган фойдадан 1,9 минг сўми давлат ҳисобига ўтказилди. Афсуски, бундай аҳвол ягона эмас. «Ўзбекгазмаш» машинасозлик бирлашмасида хўжаликда ишлатиладиган газ плиталари сифати ҳам талаблар даражасида эмаслиги аниқланди. Уларнинг усти яхши сирланмаган, иситиш қисмлари бир меъёрда ишламайди. Айрим қисмлари мустаҳкам ўрнатилмаган. Сифатсиз ишлаб чиқарилган плиталар учун корхона планидан 27982 сўм чегириб қолинди. Ушбу камчиликларни тугатмагунча бу корхонада плиталар ишлаб чиқариш тақиқлаб қўйилди. «Ташхимсельмаш» заводида тайёрланган қумғонлар ҳам техникавий талаблар даражасида эмас.

Вазифа — икки масалани бир мезон даражасида ҳисобга олиш, уларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш чора-тадбирларини кўриш — кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини мунтазам равишда кўпайтириб бориш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишдан иборат. Бунинг учун сифатни бошқариш комплекс системасини жорий қилиш, унинг самараси қанчалик эканлигини мунтазам назорат қилиб бориш керак. Краснодар, Днепропетровск шаҳарларидаги ҳамкасбларнинг тажрибасини қўллаш, республикада тўпланган энг яхши тажрибаларни корхоналар шароитига қараб жорий қилиш кенг истеъмол буюмлари ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашга ёрдам беради.

**М. МУРОДОВ,**
**республика радиосининг махсус мухбири,**

**Р. ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон Давлат стандартлар бошқармаси бўлими бошлиғи,**

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

**Рейд-текширув ҳақидаги эшиттиришни бугун Ўзбекистон радиосининг «Ишчинома» программаси орқали соат 12 дан 10 минут ўтганда тинглашингиз мумкин.**

## ОЛИМЛАР — ЧОРВАЧИЛИККА

САМАРҚАНД, 12 ноябрь. (ЎзТАГ). Чорва касалликларига қарши курашнинг актуал проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-ишлаб чиқариш конференцияси бугун Самарқандда ўз ишини тугатди. Конференцияда Москва, Ленинград, РСФСР, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг олимлари қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари Озиқ-овқат программасини ҳал этиш билан алоқадор илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришнинг конкрет йўлларини белгилаб олдилар. Жумладан, Каттақўрғон саноат комплексида қорамолни сўқимга боқиш борасида орттирилган тажриба юксак баҳо олди.

Чорванинг бир қанча касалликларига қарши кураш, асалари боқиш янги усуллари кўриб чиқилди. Кўпгина ғоят самарали препаратлар тавсия қилинди.

## «КОСМОС-1508» ПАРВОЗДА

**1983 йил 11 ноябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1508» учирилди.**

**Йўлдош ичида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди.**

**Координация-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).**

*«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА*

# БУЮК ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Марказий телевидениенинг «Экран» ижодий уюшмаси томонидан яратилаётган кўп серияли «В. И. Ленин. Ҳаёт саҳифалари» телевизион фильмининг иккинчи трилогияси телеэкранда муваффақиятли намойиш қилиб кўрсатилди. Бу янги асар «Бир бор танланган йўл» деб аталади. Унинг биринчи серияси «Ўн етти ёшида», иккинчи серияси «Учрашув», учинчи серияси «Етуклик» деб номланди. Учала фильм шу йил апрель ойида экран юзини кўрган «Симбирск трилогияси»нинг давоми бўлиб, доҳийнинг Қозон ва Самара (ҳозирги Куйбишев) шаҳарларида кечган ўспиринлик, навқиронлик йиллари, революция сари қўйган биринчи қадами, Маркснинг революцион назарий фикрлари билан танишиши, биринчи мустақил марксистик тўгараклар тузиши, революционер сифатида шаклланиши ҳақида ҳикоя қилади. Трилогия сценарийсини истеъдодли драматург Е. Яковлев ёзган. Тажрибали санъаткор В. Лисакович ғоят шарафли, шу билан бирга масъулиятли экран асарининг режиссёридир. Унга А. Беркович операторлик қилган. Трилогия доҳий ҳаётининг 1887—1893 йиллар даврини қамраб олган. Биринчи фильм Владимир Ульяновнинг 17 ёшида Қозонга келиб университетга кириши, студентларнинг революцион ҳаракатида фаол иштирок этиши ва биринчи марта қамоққа олиниши ҳақидаги воқеаларга бағишланган. Ўтган асрда нашр этилган газеталар, турли адабиётлар, фотосуратлар ёрдамида фильм ижодкорлари узоқ ўтмиш йиллар муҳитини, Қозон шаҳри қиёфасини экранда гавдалантиришга муваффақ бўлганлар. Конкрет ва тарихий материаллар асосида қадам-бақадам В. Ульяновнинг жўшқин, ибратли ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида марокли ҳикоя қилинади. Шуниси диққатга сазоворки, ўша даврда В. Ульянов билан новвой ёрдамчиси А. Пешков бир кўчада истиқомат қилганлар. В. И. Ленин билан А. М. Горькийнинг учрашувлари кейинроқ содир бўлган. Фильмда уларнинг кейинги тақдири билан боғлиқ сюжет чизиқлари бир-бири билан ҳамоҳангдир.

Владимир Ильич 17 ёшида ҳаётида юз берган муҳим воқеани эслаб, кейинчалик «Искра» саҳифаларида шундай деб ёзган эди: «... шундай даврлар бўладики, прогрессив ижтимоий манфаатлар асосида ҳукумат билан ҳар қандай тўқнашувлар, бир қарашда аҳамиятсиздек туюлса ҳам, маълум шарт-шароитда аланга олиб кетиши мумкин. Академик талаблар асосида студентларнинг ҳукумат билан тўқнашуви Россияда қандай ижтимоий ҳаракатга айланиб кетганлигини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя».

Қозондаги студент ғалаёнлари Россиянинг турли бурчакларида акс-садо берди. Владимир Ульянов унда қатнашиб, биринчи революцион тажриба орттирди. Чор ҳукумати ёшлардан ўч олди. Бошқалар қаторида В. Ульянов ҳам студентлар сафидан чиқарилди ва Кокушкино қишлоғига сургун қилинди. Доҳийнинг Кокушкинода кечирган даври маънавий камолотида алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда обдон ўйланган режалар, тинимсиз мутолаалар бутун умрга бир бор танланган йўл — меҳнаткаш халқ озодлиги, бахт-саодати учун курашувчи революционер йўли бўлди.

«Учрашув»да В. Ульяновнинг Маркснинг назарий мероси билан чуқур танишуви, революцион демократ Н. Г. Чернишевскийнинг унга ўтказган таъсирига кенг ўрин ажратилган. Ленин бу буюк сиймоларни ўзининг устози деб билган, бутун умри давомида улар билан чексиз фахрланган. Фильмдаги айрим эпизодларда Ленин ва Чернишевский асарларидан олинган парчалар улар ўртасидаги суҳбат-диалог шаклида томошабинларга етказилади. Сургун муддати тугагач, Ульяновлар оиласи яна Қозонга қайтади. Бу ерда ташкил этилган тўгараклардан бирида В. Ульянов Маркснинг иқтисодий назарияси ҳақида илк марта доклад тинглаб, қаттиқ таъсирланади . Тез орада «Капитал»нинг биринчи томини топиб, ўқишга киришади.

«Етуклик» В. И. Лениннинг Самарадаги ҳаёти, унинг марксист сифатида шаклланиши, бу ерда марксистик тўгарак ташкил этишига бағишланган. Фильм воқеалари Самарадан ташқари Алакаевка қишлоғи, Петербургда ҳам кечади. Томошабинлар доҳийнинг қайноқ, сермазмун, ранг-баранг воқеаларга бой ҳаётини назардан кечирадилар. Владимир Ильич мустақил тайёргарлик кўриб, экстерн йўли билан Петербург университетининг ҳамма курслари бўйича муваффақиятли имтиҳон топширади, революцион кайфиятдаги зиёлилар билан суҳбатлашади. Суд маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида иш юритади, народникларнинг ғоявий раҳбарлари билан юзма-юз жангга киришади. Деҳқонлар ҳаётини яқиндан кузатиб ўрганади. Марксистик тўгарак ташкил этиб, унга раҳбарлик қилади. Ҳар бир эпизодда унинг шахсий сифатлари — актив ҳаётий позиция ва принципиаллик, ишда собитқадамлик, бошланган ишнинг самарали якунланишига чуқур ишонч, моҳир ташкилотчилик қобилияти яққол намоён бўлади.

Улуғ Волга бўйларида, меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиққан буюк Инсоннинг ҳамма авлодлар учун ибратли ва ардоқли умр саҳифалари битилди. Фильм-трилогияда иштирок этган таниқли театр ва кино артистлари — СССР халқ артисти Л. Чурсина, РСФСР халқ артисти Н. Засухин, РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Губенко, А. Михайлов; УССРда хизмат кўрсатган артист В. Конкин ва бошқалар гримсиз тарихий шахслар номидан В. И. Ленин асарларини, турли ҳужжат, хатларни маҳорат билан ўқийдилар. Қаҳрамонларнинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, ранг-баранг кечинмаларини, ғоялар курашини чуқур, томошабинлар қалби ва идрокига етиб борадиган даражада тасвирлашга алоҳида эътибор берадилар.

«В. И. Ленин. Ҳаёт саҳифалари» кўп серияли телевизион фильмининг навбатдаги қисми Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига муносиб армуғон бўлди.

**А. КАРИМОВ,**
**тарих фанлари кандидати.**

# ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Республика партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси янги босқичга кирди: район ва шаҳар партия конференциялари бошланди. 12 ноябрда бу конференциялар Олот, Наманган, Конимех, Олтиариқ районларида, Қўқон ва Зарафшонда, бошқа бир қанча шаҳар ва районларда бўлиб ўтди.

Конференцияларнинг делегатлари партия комитетларининг ҳисоботларини юксак принципиаллик руҳида ҳар томонлама муҳокама қилмоқдалар, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари талаблари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқлари асосида партиявий-ташкилий ва идеологик ишнинг ҳолатини атрофлича таҳлил қилмоқдалар. Халқ хўжалиги планларининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши суръатларини ошириш, иш сифатини яхшилаш, халқ хўжалигининг ҳамма участкаларида жуда қаттиқ тежашни таъминлаш учун барча резервларни ишга солиш билан боғлиқ масалалар делегатларнинг диққат марказида турибди. Хўжаликка партиявий раҳбарлик савиясини, бошланғич партия ташкилотларининг ролини янада ошириш, коллективлардаги тарбиявий ишни кучайтириш юзасидан амалий таклифлар айтилмоқда.

Конференцияларнинг қатнашчилари КПССнинг Ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Улар шаҳар ва районларнинг коммунистлари, барча меҳнатчилари бундан буён ҳам социалистик Ватаннинг қудратини мустаҳкамлайверадилар, деб ваъда бермоқдалар.

(ЎзТАГ).

# ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## ЮКСАК БАҲО

ХАНОЙ. (ТАСС). ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ВСР Министрлар Совети Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг Берлинда бўлиб ўтган XXXVII мажлиси якунларини муҳокама қилиб, унда қатнашган Вьетнам делегациясининг фаолиятини маъқулладилар.

Бу ерда эълон қилинган ахборотда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг муваффақиятларига юксак баҳо берилди ва социалистик давлатлар қалин ҳамкорликда экономиканинг асосий тармоқларида ишлаб чиқаришни кучайтираётганликлари, фан-техника тараққиёти ютуқларини фаол жорий этаётганликлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, муҳим халқаро проблемаларни ҳал этиш учун шарт-шароитлар яратаётганликлари таъкидланди.

ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ВСР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов илгари сурган тинчлик ташаббусларини ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган давлатлар ҳукумат бошлиқлари Берлинда қабул қилган баёнотни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этди. АҚШнинг урушқоқ сиёсати, дейилади ахборотда, халқаро кескинликни кучайтиришнинг асосий сабабчисидир. Мавжуд стратегик мувозанатга путур етказишга ва ҳарбий устунликка эришишга интилаётган Вашингтоннинг ҳаракатлари Европада ва бутун дунёда тинчлик учун жиддий таҳликадир.

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

### БЕЛЬГИЯ ПАРЛАМЕНТИДА МУНОЗАРАЛАР

БРЮССЕЛЬ. Мамлакатда Пентагон тиқиштираётган 48 та қанотли ракетани жойлаштириш тўғрисидаги масала юзасидан Бельгия парламентида мунозаралар бошланди. Парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари АҚШ билан НАТО ўзининг машъум планларидан воз кечишини қатъий талаб қилаётган демократик жамоатчилик тазйиқи остида шундай мунозарани ўтказишга қарор қилган эдилар.

Ҳукумат 48 та қанотли ракетани жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ўзининг алоҳида ҳуқуқи бор, деб даъво қилаётганлиги масаласи кун тартибида асосий масала бўлади. Бу ерда шундай муҳим проблема хусусида қарор қабул қилиш масаласида парламентга кўпроқ ваколат бериш керак, деб уқтириб ўтмоқдалар. Депутатлар Бельгияда ядро қуролини жойлаштиришни, унинг территориясидан олиб ўтиш ва уни ишлаб чиқаришни тақиқловчи табиатни муҳофаза қилувчилар ҳаракатининг вакиллари томонидан киритилган қонун лойиҳасини муҳокама этадилар. Сиёсий кузатувчилар кўпчилик оппозициядаги партиялар шу мунозаралар воситасида ҳукуматни мамлакат территориясида Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштиришни рад этувчи ёки кечиктирувчи янги ташаббуслар бошлашга мажбур этиш ниятидадирлар, деб таъкидламоқдалар. (ТАСС).




Чилида Пиночет турмаси тирбанд,
Мамлакат иборат зиндону дордан.
Ҳамон ёвуз кучлар бераётир панд,
Барига жафокаш эл балогардон.
Солмоқ-чун ўзининг қонли йўлига,
Оқ уй сиртмоқ тутар жаллод қўлига.

Б. Жуков чизган расм.

### ЕН БОСУВЧИ ҚАРОР

АФИНА. Греция парламенти қизғин мунозаралардан кейин АҚШнинг Греция территориясидаги ҳарбий базалардан фойдаланиши хусусида Греция билан Америка ўртасидаги битимни ратификация қилди.

5 йил муддатга тузилган бу битим АҚШ шартнома муддати тугагандан кейин 17 ой давомида Грециядан ўз ҳарбий базаларини олиб чиқиб кетишини ва ундаги хизматчиларни кўчиришини кўзда тутади. (ТАСС).

БИЗНИНГ ШАРҲ

## «ТИНЧ ОКЕАН ДОКТРИНАСИ»

**Президент Р. Рейган Япония ва Жанубий Кореяга қилган сафаридан Вашингтонга қайтиб келди. Оқ уй хўжайини океан ортидаги шериклари билан қуюқ суҳбатда бўлди. Буни Токиода ва Сеулда олиб борилган музокараларнинг якунлари кўрсатиб турибди.**

**Америка Қўшма Штатлари президенти Япония бош министри Я. Накосанэ ва Жанубий Корея қўғирчоқ режимининг бошлиғи Чок Ду Хван билан олиб борган музокараларида «Тинч океан иттифоқини» тузиш ғоясини илгари сурди. Бу ғоянинг моҳияти Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида АҚШнинг ҳарбий-стратегик ҳукмронлигига эришишдан иборат. Ана шу йўл билан Вашингтон — Токио — Сеул учбурчагидаги регионда кучли Американи вужудга келтиришда Оқ уй Японияга катта умид боғлаётганини яширмади. Америка режаларига мувофиқ, деб ёзди шу муносабат билан «Иомиури» газетаси, Япония президент Рейганнинг «Тинч океан доктринаси»ни амалга оширишга сиёсий ва иқтисодий ҳисса қўшибгина қолмай, айни пайтда шу регионда актив ҳарбий роль ўйнашни ҳам ўз зиммасига олиши керак. Бошқача қилиб айтганда, бу доктрина Япония зиммасига қуролли кучлар қудратини тобора ошириш, Тинч океаннинг жанубий-ғарбий қисмида ва Ҳинд океанида фавқулодда ҳолатлар (Гренада воқеасини эсланг — Ф. Ш.) рўй берган тақдирда Америка денгиз пиёдаси бўлинмаларининг бемалол ҳаракат қила олишини таъминлаш мажбуриятини юклайди.**

**Япония газеталари шу нарсага эътибор бермоқдаларки, Японияни «Тинч океан иттифоқи»ни тузишга ундар экан. Оқ уй хўжайини яна ўша сийқаси чиққан «совет хавфи» деган уйдирмани ишга солди. Лекин мамлакатга асосий хавф қаёқдан таҳдид солаётганини япон халқи яхши кўриб турибди. Шунинг учун ҳам бутун мамлакат бўйлаб Америка — Япония ҳарбий ҳамкорлигининг кучайишидан норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Халқ Япония оролларидаги Америка ҳарбий базаларининг тугатилишини, ядро қуролларини кўпайтиришга чек қўйилишини талаб қилди. Японияликлар АҚШ президентининг атом бомбаси қурбонлари хотирасини таҳқирлашига йўл қўймаслик учун унинг Хиросимага боришига қаршилик кўрсатдилар.**

**Рейган — Накосанэ музокараларининг якунларини Япония жамоатчилиги, айниқса, ташвиш билан кутиб олди. Чунки атом бомбаси фожиасини бошидан кечирган японияликлар учун Рейганнинг «Тинч океан доктринаси» нақадар ҳалокатли оқибатларга олиб келишини улар яхши билиб турибдилар. «Акахата» газетаси таъкидлаганидек, АҚШ Япония билан ҳарбий иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга интилмоқда. Бу эса мамлакатнинг Вашингтон ҳарбий авантюраларига жалб этилишига ҳамда Японияннинг Америка ядро ракеталари плацдармига айланишига олиб келади. Шу боисдан ҳам япон халқи Рейганнинг машъум «Тинч океан доктринаси»га қатъиян қарши чиқмоқдалар.**

**Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.**

## «ДУНЁ ЛАРЗАГА КЕЛИБ, ДАРҒАЗАБ БЎЛМОҚДА»

НЬЮ-ЙОРК. Вашингтоннинг Гренадага қарши совуққонлик билан ва ошкора қуролли агрессиясидан дунё ларзага келиб, дарғазаб бўлмоқда, деди АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холл.

У Компартиянинг Кливлендда (Огайо штати) очилган XXIII съездида қилган докладида Рейган маъмуриятининг мудҳиш режаларини қаттиқ қоралади. Гренадага қарши бедодлик билан қилинган агрессия, АҚШнинг ўзи учун қулай вақтда исталган мамлакатга ҳарбий йўл билан бостириб киришга бўлган қандайдир «ҳуқуқи» борлиги тўғрисида Рейган айтаётган гаплар аслида Рейган маъмурияти Оқ уйда турар экан, дунёдаги давлатлар айниқса кичик давлатлар ўзларини бехавотир ҳис эта олмасликларини билдиради. Гренадада АҚШ қилган бомбардимонларнинг биринчи объекти касалхона биноси бўлганлиги Вашингтон халқаро терроризм сиёсатини ўтказиб келаётганлигини фош қилади. Ана шу бомбардимон чоғида 50 бемор ўлдирилган эди.

(ТАСС).

## КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

### ҚАШШОҚЛИК

**Чили деҳқонларининг қарийб 80 проценти қашшоқликда яшамоқда. Қишлоқ жойларида ишсизлик даражаси мамлакатда ўртача 50 процентни ташкил этади, жанубий районларда эса меҳнатга қобилиятли аҳолининг 69 процентига бориб қолади. Деҳқонларнинг «Сурко» конфедерацияси Чили пойтахтида тарқатган баёнотида шулар тўғрисида гап боради.**

**Деҳқонлар бутун-бутун оилалари билан бирга ўзлари туғилиб ўсган масканларини тарк этиб, иш топиш ниятида шаҳарларга жўнаб кетмоқдалар, — дейилади ҳужжатда. Бироқ уларнинг кўпчилиги «ортиқча кишилар» армиясига бориб қўшилмоқдалар.**

### ИШСИЗЛИК

**Швецияда ишсизлик ҳамон юқори даражада турибди. Мамлакат марказий статистика бюросининг маълумотларига кўра, шу йил октябрь ойида мамлакатда ишсизлар армияси 149 минг кишига етган. Ишсизлардан 58 минг киши 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир.**

### МУҲТОЖЛИК

**Голландияда кейинги йилларда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини қисқартириш мунтазам давом этиб келмоқда. Натижада меҳнат аҳли тирикчилик ўтказишда мушкул аҳволга тушиб қолаётир. Ҳукумат келаси йили Голландия давлат хизматчиларининг иш ҳақини яна анча миқдорда қисқартириш ниятида эканлигини маълум қилди. Яқинда мамлакатда ана шунга қарши забастовка ҳаракати бошланиб кетди. Мамлакатнинг жанубий ва жануби-шарқий районларидаги темирйўлчилар ҳам бунга қўшилдилар. Мамлакатдаги бир қанча шаҳарлар жамоат транспортининг меҳнаткашлари ҳам иш ташлаш ўтказмоқдалар. Мамлакат почта хизмати ходимларининг забастовкаси ҳамон давом этмоқда.**

